

Кўп квартирали уйдаги иссиқлик таъминоти бўйича Етказиб берувчи ва Истеъмолчи (турар жой мулкдори) ўртасидаги ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

Иссиқлик билан таъминловчи корхона, «Тошиссиққуввати» ДУК (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб юритилади) мазкур шартномани оммавий оферта шартларида тузишни таклиф қилмоқда:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Истеъмолчи, ўз номида мавжуд истиқомат қилувчи хонадоннинг (хонадонга тегишли барча маълумотлар аризада кўрсатиб ўтилади) иссиқлик таъминотини Етказиб берувчига юклайди, Етказиб берувчи уни ўз зиммасига қабул қилади.

1.2. Етказиб берувчи хонадоннинг иссиқлик таъминотини Истеъмолчига етказишни кўп квартирали уйнинг умумий мулкидаги улуш ҳуқуқида унга тегишли бўлган уй ичи иситиш ва иссиқ сув тизими орқали амалга оширади.

1.3. Етказиб берувчи ва Ижро этувчи ўртасидаги баланс мансублилик ва иссиқлик тармоқларидан фойдаланиш бўйича жавобгарлик чегараси кўп квартирали уйнинг пастки қисми ҳисобланади, иссиқлик пункти бинонинг ташқарисида жойлашган тақдирда, иссиқлик тармоқлари томонидаги элеватор боғламасининг кириш қопқоқлари гардишлари бўлиниш чегараси ҳисобланади.

II. ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ СИФАТИ ВА ТАРТИБИ

2.1. Иссиқлик таъминотининг истеъмолчилик хусусиятлари ва тартиби белгиланган меъёрларга мувофиқ бўлиши керак:

иситиш бўйича - хоналарни иситиш чора-тадбирларини (деразалар, балконлар ва кириш эшикларининг даҳлизларини зичлаштириш, иситиш тагсинчларини изоляциялаш) бажариш шarti билан иситиш мавсуми даврида 1995 йилгача қурилган кўп қаватли турар жой хоналаридаги ҳарорат камида 20°C , ва уй ичидаги иссиқлик тизими реконструкция қилинмаган бўлса - ҳарорат камида 18°C ;

иссиқ сув таъминоти бўйича - иссиқ сув таъминотининг марказлаштирилган тизимларини назорат қилишнинг санитария қоидаларига мувофиқ сув олиш жойларида иссиқ сувнинг ҳарорати $50 - 75^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак.

2.2. Етказиб берувчи, стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлари ва иссиқлик таъминоти шартномаси талабларига кўра, сифатига мувофиқ иссиқлик таъминотини фойдаланиш жавобгарлиги чегарасигача етказиб бериши шарт.

2.3. Одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, иссиқлик тармоқларидаги ёки иссиқлик энергияси манбаларидаги ёхуд иситиш ва иссиқ сув таъминотининг уй ичидаги тизимларида авариявий ва фавқулудда вазиятларни олдини олиш, шунингдек уларни бартараф этиш юзасидан, Етказиб берувчи ёки Ижрочи томонидан кечиктириб бўлмайдиган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолларида, иссиқлик таъминоти хизматлари сифатига қўйиладиган талабларга мувофиқ, Истеъмолчи билан келишмасдан ва огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик таъминотини тўхтатиш ёки чеклашга йўл қўйилади.

2.4. Хоналарни иситиш эҳтиёжлари учун иссиқлик энергиясини беришда Етказиб берувчи иситиш даврини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатларда бошлайди ва тамомлайди.

Иситиш даври ташқи ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 8°C дан паст бўлган 5 кунлик давр тамом бўлган кундан кейинги кундан бошланиши, 8°C юқори бўлганда эса тамомланиши керак.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбурдир:

3.1.1. Етказиб берувчи баланс мансублилик ва иссиқлик тармоқларидан фойдаланиш бўйича жавобгарлик чегарасигача стандартлаштириш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларга мос келувчи ҳажм ва сифатдаги узлуксиз иссиқлик энергияси таъминотини етказиб берилишига;

3.1.2. Иссиқлик таъминоти шартномасига мувофиқ иссиқлик тармоқларининг баланс мансублилиги ажралиши чегарасида иссиқлик манбаи (иссиқ сув) параметрларидан оғишмаслик ҳамда уларни сақлашга:

- ҳарорат бўйича камида 50°C ва 75°C дан юқори бўлмаслиги;
- аниқлаш нуктасида иссиқ сув таъминоти тизимидаги босим бўйича $0,03\text{ МПа}$ ($0,3\text{ кгс/см}^2$) дан $0,45\text{ МПа}$ ($4,5\text{ кгс/см}^2$) гачадан четга чиқишга йўл қўймасликка;
- ушбу шартноманинг 3.1-бандида назарда тутилган иситиш даврида турар жой хоналарида ҳаво ҳароратини таъминлашга;
- иссиқлик берувчи қувурда ҳаво ҳарорати бўйича иссиқлик манбаи параметрларининг (+/-)

3% дан ортиқ, сув босими бўйича: иссиқлик берувчи қувурда - (+/-) 5%, иссиқлик қайтадиган қувурда - (+/-) 20 МПа дан четга чиқишга йўл қўймасликка.

3.1.3. Истеъмолчи (Ижрочи) ни иссиқлик энергиясининг режали ўчирилиши ва иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатишдаги танаффус тўғрисида ёзма равишда алоқа боғлаш йўллари орқали огоҳлантирига.

3.1.4. Тарифлардаги ўзгаришлар тўғрисида улар амалга киритилишидан 15 кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилишга.

3.1.5. Истеъмолчиларга иссиқлик таъминоти хизматлари учун тўлов бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек етказиб берилган иссиқлик энергияси учун тўлов бўйича қарзларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни бепул тақдим этишга.

3.1.6. Истеъмолчи томонидан иссиқлик таъминоти йўқлиги ёки иссиқлик манбаи параметрларининг шартномавий параметрларга нисбатан пасайиши, тегишли сифат даражасида бўлмаган иссиқлик энергияси етказилгани тўғрисида белгиланган тартибда ариза берилгандан кейин Етказиб берувчи 18 соат мобайнида тегишли далолатномани тузиш учун ўз вакилининг етиб боришини таъминлайди; далолатномада параметрлар сифатининг бузилиши, иссиқлик энергияси етказиб берилиши тўхтатилган вақти ва санаси, етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг ҳажми кўрсатилади. Далолатнома 2 нусхада тузилиб, Истеъмолчи, Етказиб берувчи ва Ижро этувчи томонидан имзоланади, ҳамда бир нусхаси Истеъмолчига тақдим этилади. Етказиб берувчи ўзининг айби билан етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг қийматини қоплашга ёки етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг қийматини келгуси даврдаги ўзаро ҳисоб - китобларда ҳисобга олишга.

3.1.7. Иссиқлик энергияси истеъмолчисининг Шахсий кабинети (cabinet.teploenergo.uz) га кириш учун “Логин” майдонида объектнинг кадастр рақамини киритиш, ҳамда “Пароль” майдонида истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамини киритилиши лозим.

Шахсий кабинетга киргандан сўнг парол ва хавфсизлик кодини ўрнатиш тавсия этилади.

Шахсий кабинетга киришда муаммо юзага келганда, муаммони кўрсатган ҳолда info@teploenergo.uz электрон почта манзилига муружаат этиш лозим.

3.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуққа эга:

3.2.1 Етказиб берувчи камида 2 сутка олдин Истеъмолчини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолларда иссиқлик энергияси беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш - ҳуқуқига эга:

- иссиқлик таъминоти шартномасида назарда тутилган муддатларда иссиқлик энергияси учун тўловлар амалга оширмаса;

- Истеъмолчилар иссиқлик таъминоти тизимларига ўзбошимчалик билан уланиб олинганида;

- Етказиб берувчининг вакиллари умуий ва индивидуал ҳисобга олиш асбобларини кўздан кечириш ва уларнинг кўрсаткичларини ёзиб олиш учун сабабсиз қўймаса.

3.2.2. Режали-олдини оловчи таъмирлашлар бажарилганда ёки янги Истеъмолчилар уланганда Етказиб берувчи кўп квартирали уйдаги мавжуд хоналарнинг иссиқлик таъминотини узиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчиларни огоҳлантириш иссиқлик энергиясини беришдаги танаффусни келишиш учун 7 кун олдин амалга оширилади. Агар огоҳлантириш олингандан кейин 5 кун муддатда Ижро этувчи (Истеъмолчилар) иссиқлик энергиясини етказиб беришдаги танаффус вақтини келишиб олмасалар, Етказиб берувчи ушбу вақтни мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

3.2.3. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ етказиб берилган иссиқлик энергияси учун Истеъмолчидан ҳақ талаб қилишга, қарздорликни ундириш бўйича барча чораларни кўриш.

3.2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчидан йил чорагида бир марта квартира ичи ускуналарининг техник ҳолатини кўздан кечириш, Истеъмолчи томонидан индивидуал ҳисобга олиш асбобидан ёзиб олинган кўрсаткичларининг тўғрилигини ва (ёки) уларнинг ҳолатини текшириш учун хоналарга киришни таъминлаб беришини талаб қилиши.

3.2.5. Истеъмолчининг айби билан юзага келган зарарларни тўлиқ қоплашни ундан талаб қилиш.

3.2.6. Етказиб берувчига мазкур шартнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан тақдим этилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

3.3. Истеъмолчининг мажбурияти:

3.3.1. Индивидуал ҳисобга олиш асбобларининг яққол кўриниб турган носозликлари аниқланганда, бу тўғрисида Ижро этувчи (Етказиб берувчи) га дарҳол хабар бериши, шу жумладан иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар кўрсатишга тузилган шартномада қайд этилган телефон, электрон почта орқали хабар бериши;

3.3.2. Квартира ичидаги асбоб-ускуналарнинг носозликлари (авариялар) аниқланганда уларни бартараф этиш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриш;

3.3.3. Иситиш ва иссиқ сув таъминотининг уй ичидаги тизимларидаги авариялар, шунингдек иссиқлик энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган бошқа бузилишлар тўғрисида тегишли равишда Ижро этувчига ёки Етказиб берувчига дарҳол хабар бериши;

3.3.4. Қабул қилинган иссиқлик таъминоти учун, тўлиқ ҳажмда, ўз вақтида, ўтиб кетган ой учун кейинги ойнинг ўнинчи санасигача ҳақ тўлаши. Иссиқлик таъминоти учун тўлов ҳужжатларини (чипталар, чек ва х.к.) уч йил мобайнида сақлаши.

3.3.5. Иссиқлик энергиясидан фойдаланишда техника хавфсизлиги чораларига риоя этиши;

3.3.6. Узига қулай бўлган алоқа боғлаш йўллари орқали, ҳар ойнинг 25-санасигача Етказиб берувчига иссиқ сувни индивидуал ҳисобга олиш асбоблари кўрсатмаларини тақдим этиши.

3.3.7. Индивидуал ҳисобга олиш асбобларидан назорат кўрсаткичларини ёзиб олиш учун Етказиб берувчининг вакилини, хизмат гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирда, олдиндан келишилган вақтда қўйишни таъминлаши;

3.3.8. Юз берган ўзгаришлар (эгаси, одамлар сони, иситиш майдони ўзгариши, индивидуал ҳисобга олиш асбоблари ўзгартирилганида, турар жой фондидан нотурар жой фондига ва нотурар жой фондидан турар жой фондига айлантириш) пайтидан (кунидан) бошлаб 10 иш кунидан кечикмай иссиқлик таъминоти хизматларидан фойдаланиш шартномаси шартлари ўзгарганлиги тўғрисида Етказиб берувчини ўз вақтида хабардор қилиши.

3.3.9. Иссиқлик энергия истеъмолчиси Шахсий кабинетига биринчи бор кирганидан сўнг, Етказиб берувчи томонидан берилган бошланғич паролни ўзгартиришни амалга ошириши шарт. Фойдаланувчи томонидан биринчи бор Шахсий кабинетга кирганидан сўнг парол ўзгартирилмаса, Етказиб берувчи Фойдаланувчининг Шахсий кабинетига киришини чегаралаб қўйиш ҳуқуқига эга.

3.3.10. Истеъмолчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам жавобгар бўлиши мумкин.

3.3.11. Истеъмолчига тақиқланади:

- иситиш тизимидан иссиқлик манбаини оқизиб қўйиш;

- уй ичидаги иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш ёки - индивидуал ҳисобга олиш асбобларини четлаб ўтиб уларга уланиш, иссиқлик таъминотининг - квартира ичидаги ва уй ичидаги тизимларига ўзгартиришлар киритиш;

- турар жой хонасида ўрнатилган иситиш асбобларининг иситиш юзасини ўзбошимчалик билан хонанинг техник паспортида кўрсатилган параметрлардан ортиқроқга кўпайтириш, шунингдек қўшимча тартибга солувчи ва тик қувур арматурасига ўрнатиш;

- кўп қаватли уйнинг иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимидан алоҳида турар ва нотурар жой хоналарнинг иситиш асбобларини демонтаж қилиш орқали иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимидан узиб қўйиш;

- индивидуал ҳисобга олиш асбобларидаги тамғаларни ўзбошимчалик билан бузиш, ҳисобга олишнинг умумий ёки индивидуал ҳисобга олиш асбобларини қисмларга ажратиш ва уларнинг кўрсаткичларини бузишга ёки шикастлашга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни содир этиш;

- иссиқлик энергиясидан унинг бевосита вазифасидан (иситиш, иссиқ сув таъминоти) бошқа мақсадда фойдаланиш;

- иссиқлик таъминоти шартномасида ва Ўзбекистон Республикасидаги «Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш Қоидалари» да белгиланган иссиқлик энергиясидан фойдаланиш тартибини бузувчи хатти-ҳаракатларни содир этиш.

3.4. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ, белгиланган сифатга, ҳажмга, унинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз бўлган, мол-мулкига зарар етказмайдиган иссиқлик таъминоти хизматлари узлуксиз кўрсатилишини талаб қилиш.

3.4.2. Ушбу иссиқлик таъминоти шартномасида белгиланганидан ортиқча танаффуслар вақти учун иссиқлик таъминоти хизматларига ҳақ тўламаслик, мазкур хизматлар кўрсатилмаган давр учун тўловлардан тўлиқ ёки қисман озод этилади.

3.4.3. Қонунчиликда ва мазкур шартномада назарда тутилган тартибда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатилмаганда ёки хизматлар зарур сифатда кўрсатилмаган ҳолатларда неустойка (жарималар, пенялар) тўлашни, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.4.4. Иссиқлик таъминоти хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиш шартлари, иссиқлик таъминоти учун тўлов миқдори ва уни тўлаш тартиби ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни бепул олиш.

3.4.5. Истеъмолчи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

4.1. Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш:

Истеъмолчиларнинг Етказиб берувчи билан (уй бўйича умумий ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлганда - иссиқлик таъминоти тўғрисидаги шартнома асосида Ижро этувчи томонидан Етказиб берувчи билан) ҳисоб-китоблари иссиқлик таъминоти шартномаси асосида амалга оширилади.

4.2. Иссиқлик таъминоти хизматлари учун тарифлар қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланади:

а) иситишга - иситиладиган майдоннинг бир квадрат метрига (сўм/кв. м/ой);

б) иссиқ сув таъминотига:

- индивидуал ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган тақдирда - бир одамга бир ойда (сўм/киши/ой);

- индивидуал ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари бўйича, улар мавжуд бўлганда, иссиқ сувнинг бир куб метри учун (сўм/куб. м).

4.3. Иссиқ сувни индивидуал ҳисобга олиш асбобига эга бўлмаган Истеъмолчи етказиб берилган иссиқ сув таъминоти хизматлари учун белгиланган тарифларга 1,5 баробар оширувчи коэффициентни қўллаган ҳолда ҳақ тўлашни амалга оширади.

4.4. Рўйхатдан ўтказилган фуқаролар бўлмаган турар жой хонадонларида иссиқ сувни индивидуал ҳисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаганда Истеъмолчи томонидан иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоб-китоблар бир хонали ва икки хонали турар жой хонадонларида бир кишига; уч хонали турар жой хонадонидан икки кишига; тўрт хонали турар жой хонадонидан уч кишига; беш хонали турар жой хонадонидан тўрт кишига ҳисобидан, истеъмол қилиш меъёри бўйича, иссиқ сув таъминоти хизматларига белгиланган тарифларга 1,5 баробар оширувчи коэффициентни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

4.5. Марказий иситиш хизматлари учун ҳақ ёзиш календарь йил мобайнида ҳар ойда тенг равишда белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади. Иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳақ ёзиш йил мобайнида ҳар ойда белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

4.6. Марказий иситиш манбаига эга бўлган уйга кўчиб кирган Истеъмолчи иситиш мавсуми тамом бўлгандан кейин марказий иситиш учун тўловларни белгиланган тариф бўйича тўлашга мажбур.

4.7. Истеъмолчи, истикомат қилишидан ва/ёки рўйхатда туриш ё турмаслигидан қатъи назар, марказий иситиш учун тўловларни амалга ошириши шарт.

4.8. Иссиқлик энергияси таъминоти хизматларига тарифлар ўзгарганда, санадан қатъи назар, Истеъмолчи фойдаланилган иссиқлик таъминоти хизматларига улар жорий этилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлашга мажбур.

4.9. Истеъмолчи иссиқлик таъминоти хизматларига аванс билан тўланган тўловларга (тўлов кундан бошлаб ўн икки ойдан ошмайдиган даврга) ушбу даврда тегишли тарифлар ошган тақдирда қўшимча тўловлар тўлашдан озод этилади.

4.10. Истеъмолчи томонидан иссиқлик таъминоти хизматларига аванс билан тўланганда Етказиб берувчи томонидан иситиш ва иссиқ сув таъминотига ҳақ ёзишни тўлов пайтида амалда бўлган тарифлар бўйича амалга оширади (аванс тўловлар муддатига, бироқ ўн икки ойдан ортиққа эмас).

4.11. Ҳисобот даври учун иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда Етказиб берувчи ҳисоб-китоб ойида амалда бўлган тариф бўйича ушбу ва кейинги ҳисоб-китоб давлари учун тўловни кейинги кўрсаткичлар (ёхуд ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари Етказиб берувчининг вакили томонидан назорат тартибида ёзиб олингунгача) тақдим этиш пайтигача иссиқ сувнинг ўртача ойлик сарфи бўйича ҳисоблашга ҳақлидир.

Кейинги кўрсаткичлар (ёхуд ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари Етказиб берувчининг вакили томонидан назорат тартибида ёзиб олингунгача) тақдим этилганда Етказиб берувчи ҳисобга олиш асбобининг олдинги кўрсаткичидан бошланадиган давр учун ҳисобга олиш асбобининг амалдаги кўрсаткичлари бўйича истеъмол қилинган иссиқ сув миқдорининг қайта ҳисоб-китобини амалга ошириши шарт. Бунда қайта ҳисоб-китоб қилиш тузатиш тиритиладиган даврнинг ҳисоб-китоб ойида амалда бўлган тариф бўйича амалга оширилади.

4.12. Индивидуал ҳисобга олиш асбобларини уларни ечиб олинган кундан бошлаб 30 календар кунгача бўлган қиёслаш ёки таъмирлаш ишлари даврида иссиқ сув учун ҳисоб-китоблар индивидуал ҳисобга олиш асбобларининг уч ой олдинги ўртача суткалик кўрсатмалари бўйича амалга оширилади.

4.13. Иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоби ўз вақтида текширилмаган тақдирда, Етказиб берувчи томонидан ҳақ ёзиш рўйхатдагилар (яшовчилар) сони бўйича, 5.3- бандда назарда тутилган оширувчи коэффициентни қўллаб, соз ҳолдаги усқунанинг охирига қайд этилган кўрсатмасидан то текширув ўтгунга қадар амалга оширилади.

4.14. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган иссиқлик таъминоти хизматлари учун икки ҳафта ўтганидан сўнг тўлов тўланмаганда Етказиб берувчи қарздорлик ва 7 кундан кейин узиб қўйиш тўғрисида ёзма хабар беради, хабарнома муддати тамом бўлгач, Етказиб берувчи иссиқ сув беришни узиб қўйишга ҳақлидир. Иссиқ сув бериш Истеъмолчи томонидан қарзлар тўлангандан ва Етказиб берувчи томонидан тасдиқланган калькуляцияга мувофиқ абонентни манбадан узиб қўйиш ва унга улаш ишлари учун қўшимча ҳисоб тўлангандан кейин тикланади.

4.15. Тўланиши лозим бўлган суммани нотўғри ёзилганлиги аниқланган кундан бошлаб, Истеъмолчи Етказиб берувчига эътирозни ёзма шаклда беш кундан кечикмай тақдим этади. Эътироз билдирилиши Истеъмолчининг иссиқлик таъминоти хизмати учун тўловни тўлиқ миқдорда ва белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди.

Эътирозлар Етказиб берувчи томонидан 10 кун муддатда кўриб чиқилади ва уларнинг асосланганлиги аниқланганда ортиқча сумма кейинги иссиқлик энергияси хизматлари тўловлари учун ҳисобланади. Эътирозни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида Истеъмолчи 5 кундан кечикмай хабардор қилиниши керак.

4.16. Истеъмолчи Етказиб берувчининг қароридан рози бўлмаганида, бу уни иссиқлик таъминоти хизмати учун тўловни белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди. Етказилган хизматлар учун тўловлар 10 кунлик муддатда тўланмаса, Етказиб берувчи даъво қилинган суммани мажбурий тартибда ундириш тўғрисида судга даъво аризаси беради.

4.17. Истеъмолчи томонидан ўзига ўзи хизмат кўрсатганида тўлов ҳужжатларини тўлдириш ва етказилган иссиқлик таъминоти хизматларига тўловларни тўлашда йўл қўйилган хатолар Етказиб берувчи томонидан улар аниқланишига қараб ҳисобга олинади. Иссиқ сув сарфини ҳисобга олишдаги хатолар аниқланганда, ҳисобга олиш асбобини текшириш далолатномаси билан тасдиқланган амалдаги кўрсаткичлар бўйича қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади.

4.18. Иссиқлик таъминоти хизматлари (иситиш ва иссиқ сув таъминоти) учун Истеъмолчи томонидан тўлов унинг танловига кўра чеклашсиз, шу жумладан умумий иссиқлик таъминотининг кўрсатилган хизматлари учун Етказиб берувчининг ҳисоб-китоб рақамига маблағлар йўналтирилган ҳолда, пластик карточкадан фойдаланиб, шунингдек электрон тўловлар тизими орқали тўланади.

4.19. Истеъмолчи томонидан ўтган ойдаги иссиқлик энергияси учун тўловни қисмларга бўлиб тўланишига, тўловлар киритишнинг охириги белгиланган муддатини бузмаган ҳолда йўл қўйилади.

4.20. Вақтинча яшовчилар (ижарага олувчилар) яшаганда Истеъмолчи томонидан тўлов амалда яшаган шахслар сони учун тўлиқ тўланади.

Турар жой хонаси ҳисобга олиш асбоби билан жиҳозланмаган тақдирда Истеъмолчи ўзи эгаллаб турган хонадонда яшовчи (шу жумладан вақтинча яшовчи) фуқаролар сони кўпайганлиги ёки камайганлиги тўғрисида юз берган ўзгаришлар кунидан бошлаб 5 иш кунидан кечикмай Етказиб берувчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бунда Етказиб берувчининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вакиллари ва хонанинг мулкдори ўртасида уч томонлама далолатнома тузилади.

4.21. Мазкур шартноманинг 4.3.11-бандида кўрсатилган носозликлар аниқланганида, Етказиб берувчи вакили томонидан икки нусхада далолатнома расмийлаштирилиб, унинг бир нусхаси Истеъмолчига тақдим этилади. Далолатномага асосан, ишлатилган иссиқ сув миқдори учун ҳисоб-китоб «Ўзбекистон Республикасидаги кўп квартиралли уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш Қоидалари» нинг 34-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.22. Зарур сифатга эга бўлмаган ва (ёки) белгиланган давомийликдан ортиқ бўлган танаффуслар билан иссиқлик энергияси етказиб берилса, иссиқлик энергияси учун тўлов миқдори Ўзбекистон Республикасидаги «Кўп квартиралли уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш Қоидалари»нинг иловасига мувофиқ Истеъмолчига томонидан қайта ҳисоб-китоб қилиб берилади.

4.23. Иссиқлик энергияси етказиб беришдаги танаффусларда ёки белгиланган давомийликдан ортиқ бўлган иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатилганда, шунингдек профилактика ишларини бажаришда умумий ёки индивидуал ҳисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун тўлов етказиб берилмаган иссиқлик энергияси миқдorigа камайтирилади.

Етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг ҳажми иссиқлик энергияси истеъмоли меъеридан, истеъмолчиларнинг сонидан ёки турар жой хоналарининг иситиладиган майдонидан, шунингдек иссиқлик энергияси етказиб берилмаганлиги вақтидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

4.24. Иссиқлик таъминоти хизмати учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоблар, кейинги ҳисоб даврида кўзда тутилади.

V. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МУНОЗАРАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун (баланс ва фойдаланиш жавобгарлиги меъеридан) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, томонлар жавобгардирлар.

5.2. Етказиб берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар учун тўлиқ ҳажмда жавоб беради.

5.3. Етказиб берувчи, агар иссиқлик таъминотининг кўрсатиладиган хизматлари сифати пасайиши энгил бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки Истеъмолчи томонидан иссиқлик таъминоти шартномаси шартлари бузилиши оқибатида юз берганлигини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда исботлай олса, иссиқлик таъминотининг кўрсатиладиган хизматлар сифатининг бузилиши учун жавобгарликдан озод қилинади.

5.4. Етказиб берувчи Истеъмолчилар олдида иссиқлик энергиясини етказиб беришдаги танаффуслар, иссиқлик бериш параметрларининг пасайиши ва иссиқлик энергиясини етказиб бермасликка сабаб бўлувчи қуйидаги ҳолатларда:

- етказиб берувчининг асбоб-ускунаси ишдан чиқишига сабаб бўлган табиий офатлар, шунингдек ёнғин ва ташқи ҳавонинг ҳарорати 3⁰С дан паст ва ушбу жойда иситишни лойиҳалаштириш учун қабул қилинган

ҳисоб-китобдаги ҳарорат 48 соатдан кўп давом этадиган узок муддатли совуқ тушиши, бирламчи сув сифатининг ёмонлашиши;

- Ижро этувчи (Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, бошқарувчи ташкилот в.х.к.)нинг ходимлари ва Истеъмолчилар томонидан иссиқлик таъминоти режими ўзгаришига сабаб бўлган бузилишлар;

- Ижро этувчи ёки Истеъмолчилар томонидан шартномавий иссиқлик юктамалари оширилишига ёки иссиқлик манбаи параметрларининг пасайишига олиб келган унинг учун белгиланган иссиқлик истеъмоли режимларига риоя қилмасликка йўл қўйилиши туфайли иссиқлик энергияси тўлиқ берилмаслиги учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.5. Истеъмолчи қонунчиликда белгиланган тартибда, иситиш ва иссиқ сув таъминоти хизмати етказиб бериш сифатига таъсир қиладиган, хонадон ичи, уй ичи иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимининг бузилишига йўл қўйгани учун жавобгар ҳисобланади.

5.6. Истеъмолчи иссиқлик таъминоти хизматлари учун белгиланган муддатда тўловлар тўланмаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,1% миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.7. Томонлар ўртасида вужудга келган барча мунозаралар ва зиддиятлар музокара йўли билан ҳал қилинади. Томонлар ўртасида келишувга эришилмаса, ушбу шартнома юзасидан вужудга келган барча мунозаралар ва зиддиятлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланганидек, суд тартибда ҳал қилинади.

5.8. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши, томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

6.1. Уй-жой мулкдори ўзгарганда олдинги мулкдор бу ҳақда Етказиб берувчига чиқиб кетишидан 7 кун олдин маълум қилишга мажбур, чиқиб кетгандан кейин тамғалар ва ҳисобга олиш асбобининг сақланиши учун жавобгарлик янги мулкдорга юкланади. Аввалги мулкдор хона янги мулкдорга берилгунга қадар иссиқлик таъминотининг истеъмол қилинган хизматлари учун қарзларни тўлиқ тўлаши, шунингдек хонадон янги мулкдорга ўтказилишигача 1 ой олдинга ҳақ тўлашни амалга ошириши шарт.

6.2. Ҳисобга олиш асбобларини сотиб олиш, ўрнатиш, давлат қиёсловидан ўтказиш, фойдаланиш (таъмирлаш, алмаштириш) Истеъмолчининг ўз ҳисобидан Етказиб берувчи билан, ёхуд «Ўзстандарт» агентлиги органларида аккредитациядан ўтган бошқа ташкилотлар билан тузилган шартномага кўра амалга оширилади.

Индивидуал ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган тартибда текширилиши, Етказиб берувчи томонидан тамғаланган бўлиши, 4 йилда 1 марта оралиғида қиёслашдан ўтказилиши лозим.

Индивидуал ҳисобга олиш асбобидан фойдаланишнинг белгиланган чекланган муддати тамом бўлгунга қадар Етказиб берувчи олдиндан (камида 10 календарь кундан олдин) Истеъмолчига шартномада қайд этилган индивидуал ҳисобга олиш асбобидан фойдаланишнинг чекланган муддати тамом бўлганлиги тўғрисида белгиланган тартибда билдиришнома юборади.

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 15 июлдаги 194-сон Қарори билан тасдиқланган «Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га биноан тартибга солинади.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Томонлар ушбу шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун мажбуриятларидан озод қилинишлари мумкин, агар бу ҳолат кўзда тутилмаган, олдиндан хабар топиш мумкин бўлмаган куч, томонлар олдиндан билиб оқилона эҳтиёт чораларини кўриши имконияти бўлмаган фавқулодда (форс-мажор) ҳодисаларнинг натижасида юзага келган бўлса. Кўчки, сув тошқинлари, ёнғин, табиатдаги бошқа ҳодисалар, ҳудуддаги ҳарбий ҳаракатлар, кўзғолонлар сабабли ушбу шартнома шартларининг бажарилмаслиги ана шундай сабаблар сирасига киради.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

8.1. Шартнома хизматдан фойдаланиш жараёнида акцептланган ҳисобланади, ва 2 йил давомида амал қилади.

8.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мазкур шартнома предмети билан бевосита боғлиқ бўлган ўзгаришлар киритилган тақдирда, томонлар қўшимча келишув тузган ҳолда ушбу шартномага тегишли ўзгаришлар ёки қўшимчалар киритишади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой муддат қолганида, томонларнинг биридан уни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза келиб тушмаса, шартнома йилдан йилга узайтирилган ҳисобланади.